



МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЎРИТИШДА ГУВОҲ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Муминов Сардорбек Холмуродович

Андижон туманлараро маъмурий судининг судьяси

Аннотация

Мазкур мақолада, маъмурий суд ишларини юритишда одил судловни амалга оширишнинг муҳим иштирокчиси ҳисобланган гувоҳнинг процессуал мақоми, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда қонуний, адолатли ва асосли қарор қабул қилишнинг муҳим кафолати ҳисобланган гувоҳларнинг кўрсатувлари, унинг хукуқ ва мажбуриятлари борасидаги қонун нормаларини кўллашдаги айрим масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар

Гувоҳ, гувоҳнинг хукуқ ва мажбуриятлари, унинг хукуқий мақоми, шахснинг хукуқ ва манфаатлари.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан буён ўзига хос ва мос одил судлов институтини шакллантириш йўлида суд-хукуқ ислоҳотлари изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз вазифасига киришган вақтдан бошлаб, суд-хукуқ ислоҳотлари инсон, унинг хукуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш ва кафолатлаш янги босқичга кўтарилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг йўналишидан бири ҳам айнан “мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш” деб номланиб, бу борада яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган суд-хукуқ соҳасидаги ислоҳотлар белгилаб берилган.

Суд хукуқ соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши, аввало мамлакат ривожи ҳамда халқаро майдондаги ўрни ва нуфузини оширишда муҳим саналган тинчлик ва барқарорликка эришиш, шахснинг қонуний манфаатлари, хукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишнинг механизмини шакллантиришни, одил судловга кўмаклашувчи шахсларнинг хавфсизлигини амалда ишончли таъминлаш орқали иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш орқали адолатли, асосли ва қонуний қарор қабул қилиш имконини беради.

Айниқса, судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш орқали фуқаро ва юридик шахсларнинг хукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари кучайтирилмоқда.

Жумладан, 16 Январ 2023 йил
Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан
“Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар
фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ҳамда



VOLUME 7, ISSUE 2, 2024

“Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармонлар қабул қилинди.

Ушбу Фармонлар билан суд ҳокимиятини чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга доир муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган янги механизмлар жорий этилди.

Маъмурий суд ишларини юритишда исботлаш ишни мазмунан кўриш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат бўлиб, исботлашнинг ҳолатларини тўғри ва тўлиқ аниқлаш орқали ҳақиқатни рўёбга чиқаришнинг асосий шарти, ягона процессуал-хуқуқий воситаси ҳисобланади.

Одил судловни амалга оширишга ёрдам берувчи муҳим процесс иштирокчisi – гувоҳнинг кўрсатувлари маъмурий ишларни судда юритишдаги исбот қилиш фаолиятининг муҳим элементи ҳисобланади.

Демак, гувоҳнинг мақоми бир қанча элементларнинг йигиндисидан ташкил топган тизимли процессуал-хуқуқий ҳодиса ҳисобланади ва ушбу элементлар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда матнда – МСИЮтК деб юритилади) нинг 50-моддасига мувофиқ, исботлаш воситаларидан бири гувоҳларнинг кўрсатмалари бўлиб, ишга доир бирор-бир ҳолатдан хабардор ҳар қандай шахс гувоҳ бўлиши мумкин.

Қонунда гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар доираси белгилangan бўлиб, буларга фуқаролик, иқтисодий, маъмурий иш бўйича вакиллар ёки жиноят иши бўйича ҳимоячилар, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича адвокатлар – вакил, ҳимоячи ёки адвокат вазифаларини бажариши муносабати билан ўзларига маълум бўлиб қолган ҳолатлар тўғрисида;

жисмоний нуқсонлари ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатувлар беришга лаёқатсиз шахслар ишда гувоҳ сифатида иштирок эта олмайдилар.

Гувоҳлар суд мажлисига тарафларнинг ҳамда суднинг ташабbusi билан чақириладилар. Гувоҳни чақириш ҳақида илтимосномани тақдим этувчи шахс гувоҳнинг иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни тасдиқлай олишини кўрсатиши, исми, отасининг исми ва фамилиясини ҳамда яшаш ёки ишлаш жойини судга маълум қилиши шарт.

МСИЮтКнинг 87-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномаси бўйича суд гувоҳни суд мажлисида кўрсатувлар бериш учун чақиртириши мумкин. Гувоҳни чақириш ҳакида илтимоснома кири туви шахс иш учун аҳамиятга молик қайси ҳолатларни гувоҳ тасдиқлаши мумкинлигини кўрсатиши ва унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойини судга маълум қилиши шарт.

Гувоҳ иш бўйича ўзига маълум бўлган маълумотлар ва ҳолатларни судга оғзаки хабар қилади. Гувоҳ суднинг таклифига кўра ўз кўрсатувларини ёзма шаклда баён қилиши мумкин.

Агар гувоҳ ўзи билган маълумотларнинг манбанинг кўрсатиб бера олмаса, у хабар килган маълумотлар далил хисобланмайди.

МСИЮтКнинг 51-моддасида гувоҳнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари баён қилинган бўлиб, унга кўра, гувоҳ адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш, маъмурий суд иши юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу холда таржимон хизматидан фойдаланиш, кўрсатувларини ўз қўли билан ёзib бериш, кўрсатувлар беришда ёзма қайдлар ва хужжатлардан фойдаланиш ҳукуқига эга.

Гувоҳ суднинг чақиравига биноан келиши, иш юзасидан ўзи хабардор бўлган маълумотлар ва ҳолатлар ҳакида тўғри кўрсатувлар бериши, судья ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг саволларига жавоб бериши, суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Гувоҳ била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун жиноий жавобгар бўлади, суд томонидан бу ҳақда огохлантирилиб, тилхат олинади. Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас.

Қонунга мувофиқ касбий бурчини бажариши жараёнида ўзига маълум бўлиб қолган маълумотлар ва ҳолатлар юзасидан кўрсатув беришни рад қилиш ҳукуқига эга бўлган шахсларга нисбатан кўрсатув бериш мажбурияти татбиқ этилмайди.

Фикримизча, фақат инсон – жисмоний шахс ўзининг ақлий имконияти туфайли, муқаддам содир бўлган ижтимоий ҳодиса ҳакида хотирасида сақланаётган ахборотларни тақороран тиклаш ва баён қилиш иқтидорига эга. Инсондаги ана шу қобилият муайян ижтимоий-ҳукукий вазиятларда ижтимоий зиддиятни тўғри ва асосли ҳал этишга хизмат қиласи.

Юқоридагилардан хulosा қилиш мумкинки, процесс иштирокчиларини, жумладан, одил судловга кўмаклашувчи шахс сифатида гувоҳнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини таъминлаш зарур.

Бу гувоҳнинг процессуал ҳукуқлардан тўлиқ фойдаланиши ва мажбуриятларни бажариши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга фаол ёрдам беришига эришиш ҳамда одил судловни таъминлаш ва келгусида асосли, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Муқаддима. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-сон// <https://lex.uz/docs/-6445145>



ResearchGate



SEMANTIC SCHOLAR



IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245

VOLUME 7, ISSUE 2, 2024

2. Marc Hertogh (ed.), Richard Kirkham (ed.), Robert Thomas (ed.), Joe Tomlinson (ed.). Online ISBN: 9780190903091, Print ISBN: 9780190903084. Oxford University Press. 2021.

3. С.Муратаев, Б.Мусаев ва Д.Артиков. Маъмурий хуқуқ ва протсесс.

4. Ҳожиев Э.Т. Administrative law. Textbook for professional colleGES, Science, 2010. P. 204

5. Нематов, Н. (2020). WOULD THE NEW ADMINISTRATIVE COURT SYSTEM BE MILESTONE TO CHANGE POST-SOVIET ADMINISTRATIVE LAW IN UZBEKISTAN?. Review of law sciences, (4), 16-20. doi: 10.24412/2181-1148-2020-4-16-20



WORDLY KNOWLEDGE